



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 20 ноябрь, № 224 (5139)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАТАР ДАВЛАТИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қатар Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон — Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Қатар: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Замонавий Ўзбекистон ва Қатарни бугунги кунда тарихий ҳамжиҳатлик, дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб туради. Икки мамлакат халқларининг фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатдорлик алоқалари бугунги кунга келиб ҳамкорликнинг янада жадал суръатлар билан давом этишида мустақкам асос яратди.


Ўзбекистон истиклолнинг илк кунларидан бошлаб ўз ташқи сийосатида араб давлатлари билан икки ва кўп томонлама асосда яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Сўнгги йилларда сиёсий мулоқотларнинг ривожини ва мустақамланиши доирасида ҳамда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон ва Қатар давлати ўртасидаги ҳамкорликнинг сезиларли даражада фаоллашуви кузатиш мумкин.

Худуди жиҳатидан кичик бўлишига қарамайдан, Қатар араб мамлакатлари ўртасида юксак нуфузга эга давлатлардан бири саналади. У газ захираларининг ҳажми бўйича жаҳонда учинчи ўринда бўлиб, суелтирилган газни экспорт қилувчи асосий мамлакатлардандир. Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, иқтисодийнинг модернизациялаш, инновацион технологияларни самарали қўллаш услулари Қатар давлати мисолида ўрганиш мумкин. Шу билан бирга, бугунги кунда Қатар бир қатор соҳаларда, хусусан, нефтни қайта ишлаш, нефть ва кимё, кимё, металлургия каби тармоқларда ривожланишнинг юқори даражасига эришган, тезкор таррақий этаяётган мамлакатдир. Мазкур давлат банк-молия фаолияти, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда ҳам юксак имкониятларга эга.

Қатар араб давлатлари орасида биринчилардан

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ИШ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР



18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф қилган кун тартибининг тасдиқлагандан кейин 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофазаси қилиш вазирлиги А. Ҳайитов маъруза қилди, Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари З. Ботирова қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Маърузачилар таъкидладиларки, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган мазкур дастурнинг мақсади аҳоли бандлигини, унинг даромадлари ва турмуш даражаси ўсишини таъминлаш, республика

ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салохиятидан меҳнат бозорига ишчи қучиға бўлган талабларни ошириш учун самарали фойдаланиш ҳамда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари амалда ҳал этилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, мамлакатимиз вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари ҳокимликларининг масъулиятини қучайтиришдан иборатдир.

Дастур меҳнат бозорининг жорий ҳолати ҳамда унинг 2010 йил охиригача бўлган истиқболни баҳолаш ва таҳлил этиш натижаларига, шунингдек, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чораларга, Инвестиция дастурига, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришнинг етакчи тар-

моқларини модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатидан қайта жиҳозлаш, мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ 2011 йилда республикамиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш бўйича назарда тутилган тадбирларга асосланган. Ҳужжатда келгуси йилда 956,2 минг янги иш ўрни ташкил этиш қўзда тутилмоқда.

Савол-жавоблардан сўнг иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Хусусан,

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 3 декабрда Тошкент шаҳрида қақшириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатасининг бўлажак ялпи мажлисида асосий масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини қучайтириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ва либераллаштиришда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда муҳим роль ўйнаши керак бўлган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда. "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш кири-



тиш ҳақида"ги, "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15- ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида сенаторлар "Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг тўртинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги ишнинг мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тўзилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришларда таълим жараёнининг ҳамда одамлар савияси ўсишининг роли ва аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаб айтганидек, "Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон таърихида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди".

Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилишининг ҳамда ундан самарали фойдаланишининг таъминлаш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-усулбий адабиётни такомиллаштириш, ёш авлоднинг жисмоний тарбиялаш ва болалар спорт соҳасидаги ишларни қучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини куриш ва жиҳозлаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун қулай шароитлар яратиш, фани янада ривожлантириш, қобилиятли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ва бошқа мамлакатимизда амалга оширилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг энг муҳим вазифаларидан қилиб белгиланган.

Ушбу Давлат дастурини бажариш юзасидан вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий давлат органлари томонидан тармоқ ва ҳудудий дастурлар қабул қилинган бўлиб, улар давлат томонидан марказлаштирилган тартибда молиялаштирилмоқда. Бунда таълим муассасаларида бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва молия интизоми талабларига риоя этилишига катта аҳамият берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Пойтахтимизда 16-17 ноябрь кунлари "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. ЎзА мухбирлари анжуман иштирокчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Карлос ФЕРНАНДЕС-ЖАУРЕГУ, «WASA-GN» Суви баҳолаш ва маслаҳат бўйича глобал тармоқ директори (Испания):

— Компаниямиз сувдан фойдаланиш консалтинги билан шуғулланади. Суви бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Айтиш жоизки, Орол ҳавзасидаги давлатларнинг экологик муаммоларини ҳал қилиш, табиий сув ресурсларидан, жумладан, Амударё ва Сирдарё сув оқимларидан фойдаланиш борасидаги харажатлари ўзаро келишилган ҳамда барча учун манфаатли бўлиши лозим. Минтақада сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш масалаларини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қатъий тартибга солиш зарур. Сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг нуқтаи назари ва миллий манфаатлари инобатга олиниши лозим.

Жан-Жак БРИЕН, Саломатлик, ногиронлик ва озиқ-овқат бўйича мутахассис (Франция):

— Инсоннинг соғ-саломат, узоқ умр кечиришида муҳим рольни ўйнайди. Бироқ мазкур муаммоларни ҳал этиш йўлида минтақадаги барча давлатлар, қолаверса, бутун дунё мамлакатлари ҳамкорликда ҳаракат қилмоғи лозим.

(Давоми 2-бетда).

Сурхондарё — қадимий ва бой маданият ўчоғи, халқаро инвестициявий ҳамкорлик ҳамда туризм учун катта имкониятлар ўлкасидир. Бунга Европа Иттифоқи мамлакатларининг Ватанимиз пойтахтида аккредитация қилинган дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари Сурхондарё вилоятига танишув мақсадларида 19 ноябрда амалга оширган сафарлари чоғида яққол ишонч ҳосил қилдилар.

Сафар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи Сийосат масалалари қўмитаси ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлигида, ўқув юртимларида, муассаса ва меҳнат жамоаларида бўлиб ўтган учрашувларда европалик дипломатларга

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ДИПЛОМАТЛАРИ — СУРХОНДАРЁ МЕҲМОНИ

Сурхондарё вилоятини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, бу йўлда амалга оширилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва бозор иқтисодиётини қучайтиришга йўналтирилган ўзгартиришнинг бориш ҳақида батафсил ахборот берилди. Сурхондарё вилоятида чет эл инвестицияларини жалб этиш, иқтисодиётнинг гоят хилма-хил тармоқларида қўшма корхоналар ташкил қилиш учун мавжуд бўлган салоҳиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Сафар чоғида Евроиттифоқ мамлакатлари дипломатия миссияларининг раҳбарлари жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган моддий-маданий-тарихий мерос объектлари бўлиши қадимий Кампиртепа — афсонавий Оке Искандариясида олиб борилган археологик қазилмалар билан танишдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Термиз шаҳри тарихий музейининг ноёб қимматбаҳо экспонатларини ҳам кўздан кечирдилар. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайта таъмирланган буюк алома Ал Ҳажим ат-Термизий макбараси мажмуаси меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Сурхондарёга уюштирилган сафар ва у ерда ўтказилган учрашувлар якунида чет эллик дипломатлар Ўзбекистонда фақат мамлакат марказида эмас, балки вилоятларда ҳам демократик ва бозор иқтисодларни изчиллик билан амалга оширилаётганлигини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолияти, иқтисодиётда тадбиркорликнинг роли ўсиб бораётганлигини таъкидладилар. Улар тарихий моддий мерос объектларини муҳофазаси қилиш ва қайта таъмирлаш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод манаъиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган жуда катта ишларга юксак баҳо бердилар.

(ЎзА).

ИЗЧИЛЛИК, БУНЁДКОРЛИК, ФАРОВОНЛИК



Истиқлолимиз шарофати, Юртбошимизнинг раҳнамолиги, халқимизнинг азму шижоати билан катта миқёсдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган Наманган шаҳри кун сайин яшнаб-яшариб, обод ва озод мамлакатимизнинг энг гўзал гўшаларидан бирига айланиб бормоқда.

Тўрақўрғондан сал ўтилгач, шаҳар бор кўрку салобати билан кўзга ташланади. Аэропортга олиб чиқадиган тўғри равои йўл. Рўпарада эса яшнаб-яшариб турган бири-биридан муҳташам бино-иншоотлар, кўп қаватли уй-жойлар... Йўллар ёқаси кенг-мўл хиббонга айлантирилган. Кенч кўз бўлишига қарамайдан, ям-яшил майсалар, арча ниҳоллари киши диққатини

тортади. Бир қарашда кўҳна ва навқирон Наманган ўз меҳмонлари йўлига пойандозлар тўшаб, қўлини кўксига қўйганча шодон кулиб турган мезбонга ўхшайди. — Мухтарам Президентимизнинг ўтган йил ёзида шахримизга ташриф буруишлари, Наманганимизни энг чиройли, обод максагна айлантириш юзасидан берган қimmatли маслаҳатлари, йўл-йўриқлари

халқимизни гўё уйғотди, қалбларимизга ўзгача куч-ғайрат, шижоат башх этди, — дейди шаҳарга кираверишдаги "Тўқучи" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фазлиддин Жалилов. — Унгача йўл ёқалари, хатто йўлакларга чина пастмак, кўрмисиз ошхона-чойхоналар қалаштириб қуриб ташланганди. Булар йўловчилик ҳаракатиға халал беришдан ташқари, шаҳримизни

Озод юртнинг обод манзиллари

ишларини қўриб, одамларимизнинг ўзлари ҳаракатта тушиб қолишди, — дея сўхбатимизга қўшилишда шу маҳаллада яшовчи меҳнат факрийси Зухра опа Зарипова. — Ҳашир уюштириб, кўп қаватли уйлар орасидаги тўзаб ётган жойларни кечасо ёшлар хордиқ чикардиган, болаларимиз уйнаб-қунайдиغان максаңларга айлантиришга, гулзор, хиббонлар яратишга ўз хиссаларини қўшишди.

(Давоми 2-бетда).

24 соат ичида

ЖАҲОН Кучли ёгингарчилик Англия жануби-ғарбидаги Корнуолл графлигида катта талафотларни келтириб чиқарди.

«Кармен» келтирган ёгингарчилик

Хусусан, сурункали ёмғир туфайли бу ердаги автомобиль ва темир йўлларда кўчиқлар содир бўлди. Натижада худудда транспорт қатнови тўхтаб қолди. Шунингдек, Бодмин, Пэр, Шимолий Остелл ва Лаксальян каби аҳоли пунктларида ҳам аҳвол мураккаб бўлиб турибди.

Фалокат оёқ остида

Перуда йирик йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди.

Воқеа мамлакат жанубидаги Андауайлас музофотида юз берган. Бу ерда йўловчиларни олиб кетаётган автобус жарликка қулаган. Оқибатда 17 киши ҳаётдан кўз юмган, 15 нафар одам тан жароҳати олган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари йўловчиларни айтишича, фожиага ҳайдовчининг бошқаруви кўлдан чиқариб юборгани сабаб бўлган.

Перу жаҳон бўйича энг кўп йўл транспорти ҳодисаси кузатиладиган мамлакат ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили ўртача 3000 киши ана шундай фалокатлар туфайли ҳаётдан бевақ кўз юмади. Бундан иқтисодиётга бир миллиард АҚШ доллари миқдоридан зарар етади.

Шубҳали чамадон

Германиянинг «Air Berlin» авиакомпаниясига қарашли самолётлардан бирининг юқонасидан портловчи қурилма топилди.

Бу ҳолат Намибия пойтахти Виндхук халқаро аэропортида аниқланган. Гап шундаки, лайнер парвозни амалга оширишдан олдин юқлар орасидаги бир чамадон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларида шубҳа уйғотган. Махсус мосламалар ёрдамида текширув ўтказилган, унга портловчи ускуна қўйилганлиги маълум бўлди.

Ҳозир Германия ва Намибия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ушбу қабил ният ташкилотчилисини аниқлашга ҳаракат қилмоқда.

Биологадан машина

«Даймлер» концерни томонидан дунёдаги энг энгил автомобиллардан бири намоиш этилди.

Аниқроғи, «Biome» номини олган пўлат от 19 ноябрь кунини Лос-Анжелес шаҳрида бошланган моторшоуда кенг оммага ҳавола қилинди.

Дунё автомобиль дизайнерлари танловига қўйилган махсус машина органик материал тури — биологадан тайёрлангани билан кўпчиликнинг диққатини ўзига тортиди. Биолога пўлат ва бошқа материаллардан энгилроқ, пишикроқдир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.


Корхонанинг хуштаъм нонлари

«Шовот дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линияни ишга туширди.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 200 миллион сўмлик банк кредити ҳамда корхонанинг 50 миллион сўмлик маблағидан фойдаланилди. Ҳозир 10 киши меҳнат қилаётган корхонада бир кеча-кундузда 1,5 тоннагача ун қайта ишланиб, истеъмолчиларга 8 турдаги хуштаъм нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Шовот туманида янги корхоналар ташкил этилиши ҳамда мавжудларнинг модернизация қилиниши ҳисобига 420 та янги иш ўрни яратилди.

О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Мамлакатимизда иқтисодиётни янада юксалтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали кўшимча иш ўринлари яратиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ушбу мақсадларда муайян ишлар амалга оширилаётгани эса ўз самарасини бераётир.

Маълумки, иқтисодий тараққиёт банклар фаолияти билан бевосита боғлиқ. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Сирдарё вилояти бўлимининг иши бунга яққол мисол бўла олади.

Кейинги йилларда, айтиш жоизки, мазкур бўлим жамоаси аҳолига банк хизматларини кўрсатиш ва уларга маблағ ажратиш, умуман, молия бозорини шакллантиришда фаол иштирокчига айланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банк ва миқоз ўртасидаги ишончли ҳамкорликни тобора мустақкамлаштиради. Масалан, ўтган йилнинг охирига келиб, бўлим миқозлари сони 57 мингдан зиёд рақамни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, мазкур кўрсаткич 67 534 тага етди.

Албатта, бундай муваффақиятга ўз-ўзидан



Миллий банк Сирдарё вилояти бўлимининг иши бунга яққол мисол бўла олади.

ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларга бўлган алоҳида эътибор туфайли улар етук ва баркамол бўлиб вояга етмоқдалар.

Истиқлол йилларида юртимизда билимли, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни камол топтириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бинобарин, Президентимиз томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ва шунинг остида қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз икдорли ва интеллектуал салоҳиятини рўйга чиқариш, илм-фани янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ҳар томонлама камил инсон бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Пировардида бугун юртимизда билимли, ақлли, зукко, интилувчан, қисқача айтганда, ўз касбининг моҳир эгаси бўлишни мақсад қилган йигит-қизлар улғайиб келаётгани барчамиз учун ниҳоятда кўнглилидир. Қувонарлиси, бу истеъдод эгалари кейинги йилларда турли халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат фестиваллари, кўплаб танловлар ва спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келимоқдалар. Кеча пойтахтимиздаги мухташам Ёшлар иход саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармаларининг грантлар лойиҳалари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ёшларга аталган лойиҳалари иштирокчилари, шунингдек, «Таълим грантлари», «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» ҳамда «Спорт грантлари» дастурлари ғолиблари иштирок этиди.

Мамлакатимизда «Таълим грантлари дастури» олти йилдан буён танлов асосида амалга ошириб келинмоқда. У олий ўқув юртлирига кириш имтиҳонларидан ўтиб, бюджет асосида ўқиш учун етарли балл ўтлаётган йигит-қизларга шартнома пулини тўлаш учун амалга оширилади.

Грантлар танловига қизиқиш билан иштирок этиб бормоқда, — дейди «Фонд Форум» матбуот хизмати раҳбари Бобур Комилов. — Ўтган йили

лойиҳада 1200 нафар талаба иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 2640 дан ошиб кетди. Танловнинг ҳайвот аъзолари энг муносиб номзодларни тақдир этиб, уларнинг билими, етакчилик қобилияти, танлаган касбини ривожлантиришга бўлган лаёқатини

Тадбир — Баркамол авлод йили менга жуда омадли келди, — дейди у. — Аввалига «Келажак овози» ЕТМнинг «Ёш тадбиркорлар мактаби» лойиҳасида иштирок этиб, ғолиб бўлганда ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Энди стипендия совриндори бўлиб турибман. Ушбу мукофотни биз, ёшларга берилаётган алоҳида эътибор, ғамхўрликнинг бир кўриниши, деб биламан.

«Спорт грантлари дастури»га 2007 йилда асос солинган. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан тузилган мазкур махсус маблағ фонди ҳар йили умидли ёш спортчиларга топширилади. Улар орасида республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган ёшлар кўп. Маросимда 15 нафар ана шундай ёш спортчиларга грантлар топширилди.

Тадбир давомида «Келажак овози» ЕТМнинг вилоятлардаги бўлимлари билан телеуқриб ўрнатилиб, республика бўйлаб амалга оширилган лойиҳалар сарҳисоб қилинди. Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури кечага янада фойз бағишлади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ларга 6 миллиард 758,5 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, 2010 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк кредит қўйилмалари миқдори 8 миллиард 819 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 2 миллиард 167,1 миллион сўми қисқа, 6 миллиард 651,9 миллион сўми узок муд-

Шу билан бирга, бўлим томонидан қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг моддий-техник базасини мустақкамлаш мақсадида ўтган вақт ичида тўққизта миқозга «ТТЗ» русумли трактор, 2 та миқозга «ВТ-150ДЕ» ҳайдов техникаси харид қилиш учун 411 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикамиз иқтисодиётининг таянч кучига айланаётганини сўнгги йилларда ялли ички маҳсулотда мазкур соҳа вакиллари улуши тобора ортиб бораётганидан аниқлаб олиш қийин эмас. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган турфа маҳ-



билан ҳам мустақкам ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, Хитой тараққиёт банки молиявий қўмағида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун «Махсус полимер монтаж» корхонасига 103003 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. «Барак қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамиятига ҳам ушбу банк кредит линияси ҳисобидан 371535 АҚШ доллари миқдорида 7 йил муддатга маблағ ажратилиб, унга ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Хитой давлатидан 4 донна экскаватор келтириш режалаштирилган.

МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

эришиб бўлмади. Буларнинг бари Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини банк хизматларидан баҳраманд этиш йўлида қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан баҳарилаётган ишлар самарасидир. Бўлим жамоасининг ана шу саъй-ҳаракатлари боис миқоз-

датли кредитлардир. Соҳалар бўйича таққослаганда, транспортга 40 миллион, қурилишга 100 миллион, саноатга 264,8 миллион, савдога бир миллиард 320,5 миллион, қишлоқ ҳўжалигига 6 миллиард 721,9 миллион ва бошқа тармоқларга 371,8 миллион сўм йўналтирилгани аён бўлади.

Мирзаобод туманидаги «Сирдарё балиқ» масъулияти чекланган жамияти банкнинг 40 миллион сўмлик, Янгиер шаҳридаги «Янхав балиқчи» хусусий корхонаси эса 30 миллион сўмлик маблағларидан фойдаланиб, вилоятда балиқчиликни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшаётгани, ҳозир ҳар икки корхонада 21 нафар киши доимий иш билан бандлиги, айниқса, эътиборга молиқдир.

Оқолтин туманидаги «Болхон она», Сардоба туманидаги «Абдурашид Каттабеков» фермер ҳўжаликлари шулар жумласидандир.

Молия муассасаларида Ҳозирги пайтда пластик картчалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизими ҳаётиямизга чуқур кириб бораётгани сир эмас. «Электрон ҳамён»нинг тезкорлиги ва қулайлиги туфайли унинг сони 54 мингтадан ошиб кетди. Қувонарлиси, бу борада ҳам ўсиш кузатиляпти. Яъни муомалага чиқарилган пластик картчалар сони йил бошидагига нисбатан 11145 тага кўпайди. Пластик картчалар билан хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 188 та шох-бўчага ўрнатилган савдо терминаллари орқали 12 миллиард 503 миллион сўм миқдорида пул айланиши таъминланди.

сулотлар юртимиз бозорларини тўқин, аҳоли турмуш даражасини фаровон қилайти. Ушбу тармоқни кенгайтириш бўйича кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани эса бу борадаги қўллаб-қувватлашга доимий эътибор берилиб, 61 юридик шахс мақомидаги ва 17 нафар якка тартибдаги тадбиркорга 2 миллиард 267 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор Ҳаёт Валиев — шулардан бири. У банкнинг 32,8 миллион сўмлик кредити

эвазига хом ашё сотиб олиб, ўз фаолиятини ривожлантирмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган уй, идора ва ташкилотларга мўлжалланган жиҳозлар сифат бўйича турдошлари билан бемалол рақобатлаша олади.

Бўлим жамоаси, шунингдек, 27 та оилага 294,8 миллион сўмлик узок муддатли кредитлар ажратди. Ушбу маблағларга улар ўзларига уй-жой ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олдилар. Таъкидлаш керакки, молия муассасаси бир қатор хориж банклари

Кисқа қилиб айтганда, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Сирдарё вилояти бўлими жамоаси ўз маблағ ва хизматлари билан барча тармоқларни қамраб олмақда. Бу пировардида худудда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, вилоят иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ.

БИЛАСИЗМИ? O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI Палата аъзоси бўлиб, сиз:

- Ўзбекистон ва хорижий давлатларда турли йўналишлар бўйича имтиёзли шартларда таълим олиш имкониятига эгадирсиз; солиқчилик, божхона, ҳўжалик ҳуқуқи ва бошқа соҳалар бўйича Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигидан бепул маълумот оласиз; судларга даъво аризалари топширилганда, давлат божини тўлашдан озодсиз; ўз ишлаб чиқариш маҳсулотингизга штрих-код олиш учун хизматлар бўйича чегирмалардан фойдаланишингиз мумкин; Палата аъзолари меҳмонларини Тошкент шаҳрининг йирик меҳмонхоналарида жойлаштириш учун чегирмалар (50 фоизгача) олишга ҳақлидирсиз.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (+998 71) 239-18-42, 150-60-03. «Call-center» телефони: (+998 71) 150-60-06. «24 соат маслаҳат хизмати» телефони: (8-800) 120-04-04 (барча кўнғироқлар бепул). www.chamber.uz

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ 2010 — 2011 ўқув йили учун аспирантурага куйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади: 17.00.07. — Музейшунослик, бадий қадриятларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш. 17.00.08. — Маданият назарияси ва тарихи. Ҳужжатлар 2010 йил 30 ноябргача қабул қилинади. Имтиҳонлар 2010 йил 3 — 9 декабрь кунлари ўтказилади. Кириш имтиҳонлари: мутахассислик, фалсафа ва чет тили фанларидан бўлиб ўтади. Маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Соҳиб Азимов кўчаси, 35-уй, илмий бўлим, 37-хона. Телефонлар: (8-371) 232-17-62, 232-18-10.

«Гидрогеология ва инженерлик геология институтининг» давлат корхонаси жамоаси етакчи илмий ходим, техника фанлари доктори, профессор Жума ХАМРАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этилди. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касба уюшмаси Бирлашган кўмитаси вице-президент хизмати илмий котиби Муборак Ғабдурашадов вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этилди. «O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси «Ахборот» инфоромацион дастурлар бош муҳарририни мухбир-репортери Фарҳод Турраева вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этилди. Ўзбекистон Миллий телерадиоканали жамоаси Инвестиция ва капитал қурилиш бўлими бош мутахассиси Абдуваҳоб Қарчиғаева вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этилди. Маъмура АБДУРАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этилди.

